



- \* Оналар кўнглидаги тилак: Йўлбошчимиз омон бўлсин.
- \* Бир кечада бутун дарсликни ёдласа бўларкан.
- \* Ўзбекистон "Пахтакор"и дам олиши мумкин эмас.
- \* Битта қизнинг муҳаббатини қозониш — юз сўмгина...



# Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 24 февраль Чоршанба. № 15 (144206)

## ДИПЛОМАТИК КОРПУС ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 февраль куни Дўрмон қароргоҳида мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари ҳамда журналистлар билан учрашди.


Давлатимиз раҳбари учрашувни очар экан, уни ташкил этишдан кўзланган мақсад иштирокчиларни 16 февраль куни Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатлари тафсилотларидан батафсилроқ огоҳ этишдан иборат эканини таъкидлади.

Ислом Каримов дипломатия корпуси вакилларига юзланиб, мусибатли кунларда дardимизга шерик бўлгани, биз билан бирдамликларини кўрсатгани ҳамда қўллаб-қувватлагани учун хорижий мамлакатлар ваколатхоналари раҳбарларига, улар орқали давлат ва ҳукумат раҳбарлари ҳамда ҳамдардлик билдирган бошқа жамоат арбобларига миннатдорлик билдирди.

Тошкентда содир этилган воқеалар Ўзбекистон халқининг жипслигини давлатимиз юритаётган сиёсатга ишончи мустаҳкам эканлигини кўрсатади, — деб таъкидлади Ислом Каримов. — Аҳолининг барча табақаларида бу воқеа жиноятчиларга нисбатан фақат ғазаб ва нафрат уйғотди. Шундай экан, Ўзбекистон барқарор давлат бўлиб қолаверади. Айни пайтда бошланган ислохотлар яна жадал давом этаверади.

Учрашувда Президентимиз журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

## ИШОНЧ ҚАРВОНЛАРИ



## БМТ ВАКОЛАТХОНАСИДА МУЛОҚОТ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳванд моддаларни назорат қилиш бўйича халқаро қўмитаси 1998 йилда наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши ва улар устидан назорат масалаларига бағишланган анъанавий йиллик Маърузасини чоп этди. БМТнинг Тошкентдаги ваколатхонасида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда мазкур йиллик маъруза ва унда ўз аксини топган муҳим масалалар мулоқотнинг асосий мавзуси бўлди. Учрашувни Гиёҳванд моддаларни назорат қилиш бўйича халқаро қўмитанинг минтақавий вакили Б.Лисович бошқарди.

Маърузада наркотиклар тарқалиши ва уларни назорат қилиш бўйича ўтган йил давомида олиб борилган ишлар жамланиб,

муайян хулосалар баён этилган. Унда таъкидланишича, якунланган йилда Афғонистон дунёдаги наркотик моддалар энг кўп етиштирилаётган давлатлардан бири бўлиб қолди. Биргина 1998 йилда Афғонистонда 2800 тоннадан зиёдроқ наркотик хомашё тайёрланган, бу 280 тоннадан ортиқ соф героин деган гапдир. Мазкур «қора ажал»нинг 65 фоизи Ўрта Осиё давлатлари орқали Россия ва Европа бозорларига тарқалишини эътиборга олсак, минтақамиз халқлари нечоғли жиддий хавф билан ёнма-ён яшаётгани аён бўлади.

Журналистлар билан учрашувда Ўзбекистон Республикаси Гиёҳванд моддаларни назорат қилиш комиссияси раисининг

ўринбосари К.Боймуродов БМТнинг мазкур халқаро ташкилоти ва Ўзбекистон ҳамкорлигида олиб борилаётган ишларга алоҳида тўхталди. Учрашувда мамлакатимиз олимлари томонидан опиум олинадиган ўсимликларни танлаб йўқ қиладиган махсус замбуруғ ихтиро этилгани ва у ҳозир Англияда махсус синовлардан ўтказилаётгани ҳақида хабар қилинди. Ушбу ихтиро синовлардан муваффақиятли ўтса, гиёҳванд моддалар етиштириш йўлига яна бир мустаҳкам тўсиқ ўрнатилган бўлур эди. Шунингдек, учрашувда БМТнинг мазкур қўмитаси ва Ўзбекистон ҳукумати ҳамкорликда амалга ошираётган бошқа дастурлар ҳақида ҳам ахборот берилди.

## ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика СПИД маркази, Республика Таълим маркази ҳамкорликда пойтахт туманларида ОИТС/СПИД/нинг олдини олиш масалаларига бағишланган семинарлар ўтказишни режалаштирди. Дастлабки тадбир Собир Раҳимов туманидаги 100-махсус мактаб-интернатда бўлиб ўтди.

Семинар қатнашчилари тиббиёт олимлари ва мутахассисларнинг йигирманчи аср вабоси бўлмиш бу хавfli касалликнинг дунё мамлакатларида, жумладан республикамизда тарқалиши, касалликнинг келиб чиқиш тарихи, эпидимиологияси ва ундан сақланиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маърузаларини тингладилар. Тадбирда шунингдек, балогат ёшидаги йигит ва қизлар соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг маънавий тарбияси, оналик ва болаликни муҳофаза қилишни янада яхшилаш хусусида ҳам фикр-мулоҳаза билдирилди. Гиёҳвандликнинг охир-оқибатларини акс эттирувчи ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Тадбир сўнггида унинг иштирокчиларига Республика таълим марказининг сертификатлари топширилди.

Ватан тақдирида синовли дамлар кечганда ёхуд фарзанди бошидан бир тола соч бевақт тўқилганда ҳеч ким оналардек куйиниб, изтироб чекмайди. Халқимиз табиатиға хос софдиллик, бағрикенглик, ўзганинг қувончини ҳам, дардини ҳам ўзиники деб билиш каби энг олижаноб фазилатлар бизнинг онг-шууримизга аввало мунис оналар туфайли синган.

Инсон ҳаётда она дуоси, унинг меҳру муҳаббати ва таскин-тасаллисидан ортиқ ҳеч нарса топа олмайди.

16 февраль куни Тошкент шаҳрида бир гуруҳ қора ниятли кимсалар томонидан содир этилган мудҳиш воқеа ҳам энг аввало оналар, опа-сингиллар ва жажжи қизалоқларнинг юрагини қаттиқ ларзага солди. Бу фикримиз исботи тариқасида шу мудҳиш воқеа муносабати билан Йўлбошчимиз номига юртимиз оналари, опа-сингил ва жажжи қизалоқларидан келган минглаб шошилиночмаларни айтиб ўтиш ўринлидир.

Бу шошилиночмалар билан танишиб туриб, киши эътиборини бир ҳол ўзига тортади. Бу -- фуқаролик туйғуси. Халқимиз рўй берган мудҳиш воқеага холис ва қатъий муносабат билдирмоқда, Ватан, Мустақиллик ва Йўлбошчимиз тақдирдан қаттиқ хавотирга тушмоқда. Бу ҳол кишиларнинг дунёқароши, фикрлаш тарзи ўзгаргани, фуқаролик туйғуси уйғонгани ва ижтимоий воқеликка фаол иштирок этаётганидан дарак беради.

**"Азиз ўғлим Исломижон!"**

Мен ҳозир 109 ёшдаман. Аллоҳга минг қатла шукрки, толеимда ёруғ кун -- юртимиз мустақиллигини кўриш ёзилган экан, - **деб ёзади Бахмал тумани Оққўрғон қишлоғида истиқомат қилувчи Ҳалима момо Эсонова.**

- Халқимизда: "Мевали дарахтга тош отишадди", деган доно мақол бор. Тошкентда рўй бериб ўтган мудҳиш воқеалардан асло ранжманг. Юртимиздаги тўкин-сочинлик, қут-барак ва фаровонлик аввало Сизнинг сермашаққат сайъ-ҳаракатингиз туфайли юзага келган. Сизнинг азиз ҳаётингизга таҳдид қилганларнинг асл қора нияти мана шу фаровонлик ва осойишталикни барбод қилиш бўлган. Сизни юртимиздаги барча оқ тилакли оналар ўз фарзанди деб билади ва Яратгандан ҳамиша умрингизга умр, саломатлигингизга саломатлик кўшишини сўраб, дуо қилади.

Она қарғиши - ўк, деган гап бор. Халқимиз бошига кулфат солмоқчи бўлган, биз оналарнинг дилини оғритган ўша қора ниятли кимсаларга Аллоҳнинг жазоси бор..."

Давлат раҳбари ва халқнинг яқдиллиги, ҳам-фикр, ҳамжихат бўлиши тарихда камдан-кам учрайдиган ноёб ҳодисадир. Президентимиз Тошкентда содир этилган портлашларга муносабат билдираркан, гуруҳ билан шундай дедилар: **"Мен халқ сайлаган Президентман"**. Бу сўзларнинг замирида улкан масъулият, халқнинг тинчлиги, омонлиги, мустақиллик ва унинг истиқболи каби буюк тушунчалар ётибди, буларнинг залворини кўтаришга ҳар кимнинг ҳам қурби етмайди.

Халқ ҳам ўша, 16 февраль куни содир бўлган мудҳиш воқеалар таъсирида ўзи сайлаган Йўлбошчиси, демакки, Ватан ва Мустақиллик тақдирини ўйлаб, қаттиқ хавотирга тушган.

"Ўша куни 13.00 да телевидение орқали берилган фавқуллодда нохуш хабарни эшитиб, юрагим ларзага келди, - деб ёзади Андижон тумани, Оқёр қишлоғи, Обод маҳалласи аёллари номидан Шарофатой Пирматова. - Сизнинг соғ-саломат эканлигингиз, ғаламис кимсалар ўз ниятларига етолмагани ҳақидаги хабарни эшитгунга қадар ҳаёлимда шундай фикр айланади: "Йўк, Президентимизни Яратганининг ўзи асрайди. Чунки у кишининг ниятлари пок ва эзгу, зиммаларида бутун бир халқнинг тинчлиги ва осойишталигини сақлашдек олижаноб вазифа бор". Кейин телевидениеда Сизни соғ-саломат кўриб, маҳалламизнинг барча аёллари қувончдан йиғлаб юборишди. Аллоҳга минг қатла шукрона айтдик. Бу қора гуруҳлар айнан Сизнинг ҳаётингизга қасд қилишган. Чунки юртимиздаги барча эзгу ва савоб ишларнинг бошида Сиз турибсиз. Лекин улар қора ниятларига етолмайди. Сизни халқ сайлаган ва у ҳамиша Сиз билан биргадир".

**Андижон вилояти, Избоскан тумани марказий шифохонасининг бир гуруҳ шифокор аёллари йўллаган шошилиночмада шундай ёзилади:**

**"Ҳурматли Исломи Каримов!**

Сизнинг ташаббусингиз билан 1999 йил



104 ёшли Соҳиба момо: — Илоҳи, фарзандларимиз бахтига Ватанимиз тинч, Юртбошимиз омон бўлсин!  
Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат

## АЁЛЛАР КЎНГЛИДАГИ

Йўлбошчимиз номига келган шошилиночмалар

"Аёллар йили" деб эълон қилиниши бизни жуда руҳлантириб юборган эди. Чунки Сиз ўзингиз айтгандек: "Дунёдаги барча аёлларнинг тилаги битта, улар фақат осмонимиз тинч, юртимиз фаровон, тўкин-сочин бўлишини, аёллар гўзал бўлганликлари учун она-Ватанимизнинг ҳам гўзал ва гуллаб-яшнашини истайдилар". Аммо куни кеча Ватанимиз пойтахтида рўй берган мудҳиш воқеа кўнглимизни зимистон қилди. Лекин биз бундан сира ваҳима ва саросимага тушмаймиз. Аксинча, Сизнинг атрофингизга янада қаттиқроқ жипслашиш, юрт равнақи ва осойишталиги учун фидойилик кўрсатишга ундайди. Бундай қабихликка қўл урганлар ўзларининг инсоний қиёфасини йўқотган кимсалар. Президент ва халқнинг бирлиги бор экан, улар ҳеч қачон қора ниятларига етолмайди".

"Муҳтарам Исломи Абдуғаниевич! Сиз олиб бораётган кенг қамровли мустақиллик сиёсати туфайли биз келажакка ишонч билан қараймиз, фарзандларимиз камалидан хавотирга тушмаймиз, - **деб ёзади бир гуруҳ оналар номидан Сурхондарё вилояти, Сарийосиё тумани хотин-қизлар кенгаши раиси М.Бадалова.** - Сизга халқнинг ишончи ва меҳри жуда юксак. Сизга, демакки, келажакка бўлган ишончимизни ҳеч қандай қора куч йўққа чиқара олмайди. Азиз бошингиз ҳар доим омон бўлсин".

**Тошкент вилояти, Оққўрғон туманидан Зулфия Анварова шундай ёзади:** "Биз 16 февраль кунги мудҳиш воқеаларни Сизгагина суиқасд деб эмас, балки Ватанга, қон тўкмай қўлга киритилган Мустақиллигимиз, тинч ва фаровон кечаётган турмушимизга суиқасд деб тушундик. Чунки Сизнинг сайъ-ҳаракатларингиз орқали бутун дунё Ўзбекистонни танимоқда, унинг ютуқларини эътироф этмоқда. Ахир, юртимизда ўтган саккиз йил ичида озмунча оламшумул воқеа ва ўзгаришлар юз кўрсатдимиз?! Бундай юксак ўзгаришларни юрагига сиғдиролмаган аламзада кимсалар шундай қабихликка қўл уришган. Лекин шу қора кучлар кутгандек, биз асло саросимага тушмаймиз. Балки Сизнинг атрофингизда янада мустаҳкам жипслашамиз, ҳамиша огоҳ бўлиш, юрт, Ватан манфаатлари учун фидойи бўлишга ҳаракат қиламиз".

Андижон тумани хотин-қизлари номидан Ф.Маҳмудова, Жиззах шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Х.Мансурова, Избоскан туманидаги 84000 хотин-қизлар номидан Мунисахон Жўраева ва Гулнора Абдуллаева, Хазорасп туманидан Бибиҳон Мустафоева, Бахмал туманидан Дилбар Эргашева йўллаган шошилиночмаларда ҳам 16 февраль куни содир этилган мудҳиш воқеага кескин муносабат, Президент ва келажакка бўлган

мустаҳкам ишонч ҳисси ўз ифодасини топган.

"16 февраль куни Тошкентда содир этилган мудҳиш воқеаларга энг холис ва тўғри баҳо берган, вазиятни тўла ҳис этган, халқни саросима ва ваҳимага берилмасликка даъват этган биринчи киши мамлакатимиз Президенти Исломи Каримовдир, - **деб ёзади тошкентлик ўқитувчи Гулнора Ўринбоева.** - Биз ўша кун телевидение орқали Юртбошимизнинг юракдан ёниб айтган сўзларини кўзда ёш билан тингладик. Халқ, унинг келажаги, бугунги манфаатлари, осойишталиги учун жонини тикишга ҳам тайёр шундай Юртбошимиз борлигидан қалбимиз тугёнга келади. Ўзбек халқига Яратганининг назари тушган эканки, унга шундай комил инсонни бош этиб юборган.

Аслида, ганимлар Йўлбошчимизнинг юксак салоҳияти, жасорат ва ҳар бир фуқарога оталарча меҳрини кўролмаганлиги учун шундай разил ишга қўл уришган. Лекин халқ денгиздек тўлқинланиб ўз Йўлбошчиси томон талпиниб турган экан, улар қора ниятларига етолмайди".

Ҳақиқатан ҳам, шундай: Йўлбошчимизнинг 16 февраль куни телевидение орқали чиқишлари, вазиятни чуқур ҳис этган ҳолда холис баҳо беришлари, ўтли сўзлари билан халқни ваҳима ва саросимага берилмасликка даъват этишлари ҳар бир юртдошимизнинг юрагини тўлқинлантириб юборди.

Йўлбошчимиз номига мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан оқиб келган юзлаб шошилиночмалар шу самимият, ишонч ва ҳаяжон билан йўғрилган.

**"Ҳурматли Исломи бобо!**

Сиз 16 февраль кунги мудҳиш воқеаларга муносабат билдира туриб, биз ёшларни "ўзимнинг фарзандим, уларни ҳеч кимга бермайман", дедингиз, - **деб ёзади Тошкент шаҳридаги 256-мактабнинг 5 "В"-синф ўқувчиси Нигора Норкулова.** -- Сизнинг меҳр тўла бу сўзларингиздан тўлқинланиб кетдик. Сизнинг халқимиз учун бениҳоя кадрли бўлган ҳаётингизга қасд қилганлар ҳам шу муқаддас тупроқда тугилиб ўсгандир. Аммо қандайдир ёвуз кучлар таъсирига тушиб, шундай қабих ишга қўл уришган. Айрим ёшларнинг шундай зарарли йўлга кириб қолишида ота-она, мактаб ва маҳалла-кўйнинг айби йўқ эмас. Сизнинг шундай йўлга кирган ёшларга ҳам юрагингиз ачишади. Биз ёшлар оққорани жуда яхши ажратамиз, насиб бўлса, эртага Сиз кутган етук авлод бўлиб вояга етамиз. Бизни ҳар хил қора кучлар шу қутлуғ ва эзгу мақсадимиздан чалғитолмайди. Биз Сизни ўзимизнинг Президентимиз, деб биламиз ва Сиз билан чексиз фахрланамиз".

“Бувим раҳматли шундай дерди: “Ёмон одамнинг шох-бутоғи йўқ, унинг фақат қилмишидан билиб оласан”, - деб ёзади “Жалакудук ҳаёти” газетаси ходими Раҳима Абдурахмонова, - кеча Тошкентдаги қабих ишга қўл урганлар ҳам орамизда юрган кимсалар бўлган. Бундай ғаламислар ўз қилмишлари билан ўзларини фош этди. Энг ачинарлиси, шундай қабих гуруҳга ўзимизнинг баъзи бир ёшлар аралшиб қолганидир. Хўш, бугун ёшларга нима етишмайди ўзи?! Шахсан Юртбошимиз гамхўрлиги билан ўқиш, билим олишлари учун ҳамма шароит яратилган бўлса, яна нима кам?! Тўғри, бундай ёшларнинг баъзиларини кўзини пул ўйнатаётган бўлиши мумкин. Лекин ота-она, мактаб ва маҳалла-қўй қаёққа қараяпти?! Наманганда рўй берган воқеалар наҳотки, бизга сабоқ бўлмади! Тўғриси, кишига жуда қаттиқ ботар экан: Йўлбошчимиз шу халқ, шу юрт дардида тунларни уйқусиз ўтказса-ю, қандайдир кимсалар азбаройи пул илинжида у кишининг ҳаётига қасд қилишса... Бундан ортиқ тубанлик бўладими?!... Мен ўша куни Юртбошимизнинг телевидение орқали чиқишларини кўриб туриб, ич-ичимдан гурурландим. Юртбошимиз ички қудрат, халқларварлик ва олижанобликнинг энг юксак нуқтасидан туриб гапирдиларки, бу ҳар бир кишини тўлқинлантириб юборарди. Халқимизда ибратли мақол бор: “Ит хурар, карвон ўтар”. Ўзбекистон катта карвон янглиғ ўз Йўлбошчиси билан йўлга тушган, унинг йўлини ҳеч қандай куч тўса олмайди”.

“Муҳтарам Ислому Абдуғаниевич Каримов! Сизнинг “Ўзбекистонда ҳар бир бола менинг фарзандим, уларни ҳеч кимга бериб қўймайман” деган сўзларингиз биз, ўқитувчилар учун юксак ибрат намунасидир, - деб ёзади Зафаробод тумани ал-

## МЕНИНГ ПРЕЗИДЕНТИМ

Муҳтарам Ислому Абдуғаниевич!

Биз, Қибрай тумани, 17-умумтаълим мактаби қошидаги “Фидойилар” клуби аъзолари 16 февраль куни Тошкент шаҳрида бир гуруҳ ёвуз кимсалар томонидан содир этилган мудҳиш воқеани атрофлича муҳокама этдик.

Сиз халқимизни, айниқса, биз, ёшларни ҳаммаша огоҳликка, ҳаётга зийрак назар ташлашга даъват этиб, келасиз. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли асарингиз бу борада ҳар биримиз учун дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Сиз биз — ёшлар келажакига катта ишонч билан қарайсиз. 16 февраль куни ўз ҳаётингизга суиқасд қилинган бир пайтда ҳам бизга алоҳида эътибор қаратдингиз. Бундай юксак эътибор ва меҳр бизни фақат етук авлод бўлиб вояга етиш, жондан азиз мустақиллигимизни янада эъзозлашга ундайди. Сиз юртимиз ёшларини менинг фарзандларим деган экансиз, ҳар бир ёш ҳам Сизни фахр билан “Менинг Президентим”, дейди.

“Фидойилар” клуби президенти  
М. МҮМИНОВА  
Жами 26 та имзо

## ОГОҲЛИК

16 февраль куни Тошкент шаҳрида қора ниятли кимсалар томонидан содир этилган мудҳиш воқеа халқимиз қатори биз — Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти қошидаги Академик лицей ўқувчилари қалбини ҳам қаттиқ ларзага солди.

Президентимизнинг Республика телевидениеси орқали “Ўзбекистон болалари — менинг болаларим, уларни ҳеч кимга бермайман!” деган фикрлари биз — Академик лицей ўқувчи-ёшларини янада тўлқинлантириб юборди ҳамда юрак-юрагимиздан жой олди. Юртбошимизнинг бу ўтли сўзлари бизни фикрга қарши фикр, гоёга қарши гоё, жаҳолатга қарши маърифат билан жавоб беришга ундайди.

Бахтиёр ЎСАРОВ,  
Шаҳноза АБДУЛЛАЕВА,  
Ойбек НИЁЗОВ  
Жами 62 та имзо

## ТИЛАК

ва хатларни ўқиб

Хоразмий номли мактаб директори Г. Норматова. - Мустақиллик сиёсати ёшлар билим олиши, етук авлод бўлиб вояга етишиши учун чексиз имкониятлар яратиб берди. Аммо баъзи ёшларнинг нопок йўлга кириб қолишида биз, ўқитувчиларнинг ҳам қисман айбимиз йўқ эмас. Биз рўй берган мудҳиш воқеалардан албатта, тегишли хулосалар чиқариб оламиз. Аммо бугунги имкониятлардан ўринли фойдаланмаслик, болаларни ёт таълимотлар таъсирига тушишига йўл бериш биз, ўқитувчилар учун жиноят билан тенгдир”.

“Азиз Ислому ака Каримов!

Сизнинг умрингиз ўзбек халқи учун бебаҳодир! Сизга қилинган суиқасд аслида биз, оналарга ҳам қаратилган суиқасддир. Чунки она учун фарзанд бахтиқболи ва камолини кўришдан ортиқ бахт йўқ, - деб ёзади Жиззах вилояти, Арнасой туманидан Рашида Ёдгоровна. - Мен тўрт фарзандни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказмоқдаман. Лекин фарзанд тарбияси жуда масъулиятли вазифадир. Ёшларни бир дақиқа ҳам бекор қолдириб бўлмайди. Шунинг учун мен фарзандларимдан ҳар лаҳзада огоҳ бўлиб турман. Мен фарзандларим Сиз кутгандек етук кишилар бўлиб вояга етишини истайман. Сиз халқимизнинг миллионлаб ёшларини: “Ўз фарзандларим, уларни ҳеч кимга бериб қўймаймиз!”, деганингизда бир она сифатида кўнглим гуруру ифтихорга тўлди. Сизнинг ниятингиз жуда эзгу ва қутлуг. Бугунги ёшлар эртага муқаррар Сизнинг қанотингизга киради, Ўзбекистоннинг келажак, албатта, буюк бўлади. Мен она сифатида бунга қаттиқ ишонаман”.

Зарбдор туманидаги Бобур номли 18-ўрта мактаб ўқитувчиси, 2-даражали “Соғлом авлод учун” ордени соҳибаси Шафоат Хўжамова, Наманган вилояти Косонсой туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчи Барчиной Қаҳқорова, қувасойлик ўқитувчи Роза Раимова, Шўрчи шаҳри 2-болалар боғчаси тарбиячиси Меҳри Бобомуродова, Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги 24-болалар боғчаси тарбиячилари номидан Муҳаббатхон Нуриддинова, Зарбдор туманидаги “Шодлик” болалар боғчаси мудири Дилбар Шокировалар Президентимиз номига йўллаган шошилинчномаларида 16 февраль воқеаларига кескин фикрларни билдирган ҳолда мустақиллик сиёсати юртимиз тарихида мутлақо янги саҳифа очгани, ёшларнинг билим олиши, касб-хунар эгаллашлари учун яратилган шарт-шароитлар, кўп болалик оналарга кўрсатилётган гамхўрлик, умуман айтганда, Ўзбекистоннинг бугунги куни ва келажакига қатъий ишонч билан қарашларини алоҳида таъкидлашган.

Бу шошилинчномалар, аввало, халқнинг йўлбошчимизга меҳру муҳаббати бениҳоя чексиз эканлиги, мустақиллик сиёсати ўта халқчил, унда ҳар бир фуқаронинг манфаатлари, эртанги кунга бўлган ишончи ўзининг ёрқин ифодасини топганидан дарак беради.

Шодикул ХАМРОЕВ

Мен юрак хасталиги билан бетоб бўлиб ётган чоғимда мудҳиш хабар эшитдим. Шу он фожеа юз берган жойга юғриб бордим, кўпоровчиларнинг гирдибонидан тутгим келди. Афсус бурчимни бажаролмадим, аммо бутун вужудим нафрат қуролига айланиб, уларни ёндириб ташлагиси келди. Аммо ноилоҳ эдим. Фақат ва фақат танграм, ўзинг ато эт-

рорнинг ёвуз ҳамласи. Бу - улуг ўтмиши бўлган ўзбек халқининг буюк келажак сари бўлган интилишини тўсиш учун қилинган душманлик. Бу озод ва эркин халқнинг доно, дадил Йўлбошчисининг жонига суиқасд қилиш билан халқимизни донишманд ва жасоратли раҳбаридан жудо этиш учун қилинган қотил-

Каримовга нисбатан муҳаббати ва садоқатига зигирча ҳам таъсир этмади, аксинча. бутун халқ, ёшу қари ва барча миллат вакиллари унинг атрофига метиндай жипс қилиб қўйди. Ислому Каримовнинг матонати, жасорати, ҳар қандай шароитда ўзини дадил тута билиши ва донолик билан иш кўриши ҳаммани қойил қолдирди.

## ЮРТБОШИ УЧУН КЎКСИМИЗ ҚАЛҚОН

ган мустақиллигимиз, хуррияту истиқлолимизга ҳамла қилган ёвузларни ўзинг жазола, деб нола қилдим.

Аллоҳ меҳрибонлиги ила давлатпаноҳ қилиб берган Президентимиз Ислому Абдуғани ўғли Каримовнинг донолиги туфайли эришаётган буюк ғалабаларимизни кўролмаган ганимлар Ўзбекистон дулдулининг оёғига болта уришга қасд қилишди.

Бу разил тажовуз аламзаларнинг қасд олиши ёки одатда юз берадиган кўпоровчилик эмас, бу ашаддий сиёсий тер-

ликдир. Бу билан ўзбек халқини ваҳимага солиб, унинг эътиқодини букиб, буюк келажак учун астойдил курашдан қайтаришга қаратилган хуруждир.

Бу хуружлар пойтахтимизда бир неча бинони вайрон қилди, аммо халқимизнинг мустақилликка бениҳоя ишончини, ўз аҳдига садоқатини тарикча ҳам бука олгани йўқ. Бу кўпоришлар дўст-душман орасида анча шов-шувларга сабаб бўлди, лекин халқимизнинг ўзи сайлаган биринчи Президенти Ислому

Халқимиз Ислому Каримовдай Президенти борлигидан мамнун ва мағрур!

1999 йил 16 февралдаги жиноят содир этган террорчиларнинг орқасида катта куч бор.

Биз фронтчилар ёвузларни қарғаймиз, юртимизнинг равнақиға зарар келтирувчиларни қоралаймиз, Президентимиз билан бир жон, бир танмиз, ҳар ишда мададкормиз.

Иброҳим РАҲИМ,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

## ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Куни кеча -обод ва озод Республикаимиз пойтахти -- Тошкентда содир бўлган кўпоровчилик, нокас ва ҳасадгўй кимсаларнинг бузғунчилиги, Юртбошимиз ҳаётига таҳдид барча миллатдошларим каби мени ҳам қаттиқ ларзага келтирди. Бу маънавий-маърифий жаҳолат бир умрга унутилмайди; нонқўр газандалар эл-юрт олдида ҳаммаша хиёнаткор ва маккор, хоин ва беимон, нопок ва номард бўлиб қолавердилар.

Юртбошимизнинг телевидение орқали қайгули ва гамгин қиёфаларини кўриб, жазм-жасоратига, буюк келажакка фидойи ва эътиқодли инсонларга катта ишонч тўла нутқларини эшитиб, бир ҳаётини ҳақиқатни тўлиқ англадим. Мустақилликка эришганимиз билан, ижтимоий-сиёсий ислохотларни кучли олиб бораётганимиз билан гурурланиб, хотиржамликка берилиб қолган эканмиз: сезгирлик, ҳушёрликни унутиб, боқибегамлик, беписандлик, бепарволик касаллигига йўлиқиб, лоқайдлик илллати

газак олгани маълум бўлиб қолди.

Мен ҳам ўқитувчи бўлиб ишлайман. Кундалик иш фаолиятимга кўра ҳар куни талабаларнинг дарсга қатнашиш жараёнини кўздан кечираман. Мудҳиш воқеанинг эртаси кунидеъ талабаларнинг ҳаммаси дарсга тўлиқ келгани маълум бўлди; талабаларимиз кўзидан, барча хатти-ҳаракатидан кечаги бўлиб ўтган воқеага нисбатан кучли ғазаб ва нафрат ўти сездим.

Бинобарин, Юртбошимиз қайғуси бизнинг қайғумиз, бутун эл-юрт қайғуси! Чунки мамлакатимиз аҳли ўз Президентимизни дейди, унинг теварағида янада жипсроқ бирлашади. Аллоҳга шукр, Юртбошимиз орзу қилган Буюк келажак аниқ кўринмоқда. Комил инсонлар сафи тобора кенгаймоқда, маърифат эшиклари очилиб, маънавий ва саҳоват булоқлари кўз кўрсатмоқда.

Фарҳод ХИММАТОВ,  
ўқитувчи

Президент  
сабоқлари

Республика  
Президенти  
"Туркистон"  
газетаси мух-  
бири саволларига

## СИЁСИЙ ЭҲТИЁЖ

**Берган жавобларида сиёсий жиҳатдан жуда муҳим масала — сайловлар масаласига тўхталди.**

Бугунги кун жамиятимиз учун синов даври. Шу боис сайловлар борасида жаҳон тажрибасини пухта ўрганишимиз, уни кўппартиявийлик асосида эркин ўтказиш мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришга хизмат қилади. Президентимиз томонидан бу масаланинг қўйилиши — демократиямизнинг нишонасидир. "Ёшлар" ва "сайловчилар" деган тушунча ёнма-ён келиши, табиий. Ёшларда янгилик, янги ижтимоий муносабатларга интилиш, изланиш, ўз ижтимоий овозига эга бўлиш истаги, ўз кучига ишонч кучли. Хулоса шуки, ёшларимизда сиёсий эҳтиёж ва уни намоён этиш ҳисси етарли, биз бундан унумли фойдаланиб, уларни тўғри йўлга бошламоғимиз даркор.

Ёшлар ўртасида таълим, меҳнат, маданият, қонунчилик, дин каби масалаларга бўлган турли муносабатлар мавжуд. Шу билан бирга улар орасида боқимандалик, жамиятдаги кечаётган жараёнларга бефарқлик ёки барча нарсани мен учун давлат қилиб бериши керак, деган тушунчалари, кайфиятлари ҳам йўқ эмас. Шу билан бирга, ўтиш даврига хос бўлган хусусиятлардан бири — ёшларнинг моддий эҳтиёжлари нуқтаи-назаридан улар реал имконияти ва усиб келаётган хоҳиш истаги ўртасидаги зиддиятлар ҳам ёшлар муаммоларидан ҳисобланади. Чунки мана

шу хоҳиш ва орзу, имконият ўртасидаги зиддиятни бартараф этишда ёшлар қонуний йўл билан ёки эгри йўл билан бориши уларнинг тақдирини ҳал этадиган масалалардан бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда давлатимизнинг ёшлар бўйича комплекс сиёсатини ўзида мужассам этган "Ўзбекистон Республикасида ёшлар давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"

ги Қонун 1991 йил ноябрь ойида қабул қилинган эди. Бу Қонун мазмун-моҳияти билан ёшлар масалалари бўйича изчил давлат сиёсатини юргизишга қаратилган ва ёшлар сиёсати давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бири эканлиги белгиланган.

Қонунда ёшлар муаммоларини ўзида тўла-тўқис акс эттирган давлат дастурларини ишлаб чиқиш режалаштирилган бўлиб, бу борада 1992, 1994, сўнгги бор 1996 йил давлат дастурлари ишланди.

Бугунги кунда ёшлар таълими бўйича "Таълим тўғрисида"ги давлат Қонуни Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури яхши натижалар бермоқда. Ўзбекистонда иқтидорли ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича энг аввало республика Президенти ташаббуси ва мунтазам назорати асосида, кўзга қўринарли ишлар амалга оширилмоқда. Биз таълим тизимидаги ёшларга давлат томонидан кафолатланган ҳамда Республика Президентининг қатъий назорати остига олинган имтиёзлар ярага олди.

Аммо жамиятимизда бошқа ёшларнинг аҳволи қандай?! Бу масалани ўрганишимиз, таҳлил этишимиз лозим.

Мамлакатда ёшлар масалалари билан шуғулланувчи бош ташкилот "Қамолот" ҳисобланади. "Қамолот"чилар жуда кўп ишларни амалга оширмоқдалар, аммо улар имконияти чегараланган. Шу билан бирга республикада ёшлар муаммолари билан у ёки бу даражада шуғулланиш зиммасига юклатилган 20 дан ортиқ жамоат ва нодавлат ташкилотлари мавжуд. Вазият таҳлили шуни курсатадики, аввало кенг миқёсда, бугунги

зарурият ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда ёшлар тўғрисидаги Қонунни қайта кўриш яна долзарблик касб этмоқда. Унда ёшлар ишлари бўйича давлат кенгаши ишини ташкиллаштириш бош масалалардан бўлиб қолмоғи лозим. Чунки бугунги кунда бизга ёшлар сиёсатида зарур бўлган тизим — барча давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолиятини йўналтирувчи, жипслаштирувчи мувофиқлаштирувчи ҳамда марказлаштирувчи ягона масъул механизмдир. Янги Қонунни ишлаб чиқишда унинг субъекти, объекти, назоратчи ва масъул идорасини аниқ белгилаб олиш зарур бўлади. Ёшлар ташкилотларининг молиявий таъминоти ва ваколатларини қайтадан ўрганиш, уларни имтиёзлар тизимини кучайтириш давр талабидир. Худди шунингдек, Олий Мажлис таркибида ёшлар қўмитасини тузиш ҳам ёшларга бўлган эътибор намунаси, уларни келгусида сиёсий жараёнларга тайёрлаш босқичларидан бири бўлиб қолад эди. Ёшлар ўртасида ишсизлик, жиноятчилик, гиёҳвандлик каби ўнлаб масалалар ҳам борки, улар алоҳида таҳлил ва ўрганишни талаб этади.

Бугунги кунда ёшларимизнинг сиёсий фаоллигини шакллантириш ана шу фаоллигини Ватан, унинг тараққиёти, истиқболи, адолатни қарор топиши йўналишларида ривожлантириш мамлакатимиздаги барча соғлом фикрловчи фуқароларнинг кундалик вазифасидир. Бу вазифа бизнинг, яъни давлатимиз, халқимиз, миллатимизнинг келажагига дахлдордир.

Президентимиз "Миллатни асраш керак" деб айтди. Уларга эътибор миллатни асрашнинг дебосасидир. Шу нуқтаи назардан "Туркистон" газетаси саҳифаларида уқувчиларнинг давлатчилигимиз устунларига таҳдид солишга уриниб бизга ёт гоъларни тарғиб этаётган айрим мафкуравий таҳдидлар таҳлили, моҳиятига бағишланган давра суҳбатлари берилса "миллатни асраш" йўлидаги ажиб таҳсинга сазовор ишлардан бўлар эди.

**Гулхумор ТҮЙЧИЕВА,**  
Тошкент Давлат  
Шарқшунослик институти  
проректори

## МАСЛАК ЯГОНА — МАҚСАД ЯГОНА

Бугунги кунда республикаимизда ёшлар онгини шакллантириш, уларда Ватанга муҳаббат, миллий ғурур ҳиссини тарбиялаш, шу аснода мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришлар турли воқеа-ҳодисаларга бўлган муносабатларини ўрганиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу масалага Бухоро вилоятида ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти.

"Қамолот" жамғармаси вилоят бўлими раисининг ўринбосари Мақсуд Шукуровнинг телефон орқали хабар қилишича, айни пайтда жамғарма фаоллари ташаббуси билан турли шаҳар ва туманларда Президентимизнинг яқинда нашрдан чиққан "Баркамол авлод орзуси" китобининг тақдимот маросимлари бўлиб ўтаётди. Махсус дастур асосида амалга оширилаётган бу тадбирлар ҳозиргача Бухоро давлат университетида, Қогон иқтидорли болалар лицейида ва бир неча туманларда ўтказилиб, уларда Юртбошимизнинг мазкур китобда ўз аксини топган Ватанимиз келажаги ва ёшлар тарбиясига оид фикрлари атрофлича муҳокама қилинди. Ёшлар бу фикрларга нисбатан ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Шунингдек, бир неча шаҳар ва туманлардаги ёшлар жамоаларида пойтахтимизда юз берган фожеали воқеалар муносабати билан ҳам тадбирлар ўтказилди. Бу учрашувларда йиғилганлар Тошкентдаги кўпуровчилик ҳаракатлари мустақиллигимизни, осойишталигимизни қуролмаётган кимсаларнинг иши эканлигини айтиб, жиноятчилар бундай хатти-ҳаракатлар билан юртимиз фаровонлигига, унинг буюк келажагига раҳна солмасликларини, вилоят ёшлари Юртбошимиз билан доимо маслақдош эканликларини таъкидлашди.

**Жамолддин ТҮХТАШЕВ**

## ЎЗ ЙЎЛИМИЗГА ЭГАМИЗ

Мустақилликка эришганимиздан кейин мамлакатимизда амалга оширилган ва оширилаётган ислохотлар аввало юрт фаровонлиги, фуқаро манфаатларига қаратилди. Яқинда шахсан Президентимизнинг соғлиқни сақлаш тизимида ислохотларни чуқурлаштиришга оид қарорининг қабул қилинганлигини ҳам буюк келажагимизни кўришдаги оқилона тадбир сифатида баҳолаш мумкин. Зеро «халқ саломатлиги — юрт бойлиги» деб бежиз айтишмаган.

Назаримда, 16 февраль куни Тошкент марказида уюштирилган кўпуровчилик ҳаракатлари айнан

шу эзгу мақсадларимизга зарба бериш ниятида амалга оширилган. Бироқ жиноятчилар ўзбек халқи аллақачон ўз йўлини танлаб олганлигини, энди бу йўлдан ҳеч қачон оғишмаслигини билиб қўйишлари керак. Бугун халқимиз, шулар қаторида шифокорлар ҳам Юртбошимизни асраб-авайлаймиз. Мамлакатимизнинг фаровон келажаги учун қилаётган ҳар бир ишларида кўмакдош бўламыз.

**Шавкат БҮРИЕВ,**  
Хатирчи тумани  
марказий  
касалхонаси  
Бош шифокори

## КЕЛАЖАККА ИШОНЧ РУҲИ

Тошкент шаҳрида содир этилган кўпуровчилик ҳаракатлари бутун Ўзбекистон аҳолиси қаторида туманимиз ёшларини ҳам чуқур изтиробга солди. Зеро, Президентимизга қарши қаратилган бу жиноятдан мақсад, моҳиятан олиб қараганда, бутун мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсатга зарба бериш, жумладан ёшларимизни уларга берилаётган улкан имкониятлардан маҳрум қилишдан иборат эди.

Шуни таъкидлаш жоизки, бундай қабиҳлик фақат истиқлолимизни, тобора қамол топаётган янги авлодимизни кўролмаётган гаразгүй кимсаларнинггина иши бўлиши мумкин. Лекин қалбида буюк келажакка ишонч руҳи жўшган ёшларимиз бу жинойи мафкурага қарши ўзларининг самарали меҳнатлари, бунёдкорлик ишлари ва билимлари билан курашадилар.

**Нодир ШОЙИМОВ,**  
"Қамолот" жамғармаси  
Китоб тумани бўлими  
раиси

## БАДНИЯТ КИМСАЛАР ҚОРАЛАНМОҚДА

Пойтахтимизда бўлиб ўтган кўпуровчилик хатти-ҳаракатлари нафақат мамлакатимиз халқи, балки бутун жаҳоннинг тинчликсевар кишиларини ҳам қаттиқ газаблантирмоқда. Мамлакатимиз фуқаролари бузгунчиларга ўз нафратларини билдирмоқдалар.

Тошкент кимё-технология институтининг кенгайтирилган

йиғилишида ҳам айни шу ҳақда гап борди.

Йиғилганлар диний-экстремистик унсурлар бугунги осойишталигимизни кўра олмаётган, мамлакатимиз тараққиётини издан чиқаришга уринаётган, бадният кимсаларга қарши ўзларининг газабли муносабатларини билдирдилар.

**Толиб ТҮРАЕВ**

## БИЛИМ ВА ТАФАККУР ҚУДРАТИ

16 февраль куни Тошкентда бўлиб ўтган террорчилик ҳаракатларидан қалбларимиз ларзага келди. Ватанимиз пойтахтида, биз таълим олаётган даргоҳ яқинида содир этилган мудҳиш воқеани барчамиз учун азиз ва муқаддас неъмат — мустақилликка нисбатан жиноят сифатида қабул қилдик.

Президентимизнинг Олий Мажлис биносида сўзлаган нутқи ҳар бир талаба қалбида Ватан тақдирини олдида масъулият, турли кўринишдаги мафкуравий таъйиқларга нисбатан муросасизлик ҳис-

сини уйғотади.

Бугунги кунда Юртбошимизнинг "Куч — билим ва тафаккурда", "Жаҳолатга қарши фақат маърифат билан курашмоқ, баҳсга киришмоқ мумкин" деган ўғитлари ҳар қачонгидан кўра юксакроқ аҳамият касб этди. Бу гоё ўз олдида Ватан равнақи учун хизмат қилишдек буюк мақсадни қўйган ҳар бир талаба учун шиор бўлиб қолади.

**Б. МАХМУДОВ,**  
Тошкент Давлат иқтисодий  
университети талабаси

**ҚАЛБ  
МУҶЕЪЗИ**

Тун пардасин кийган пайти ер-осмон,  
 Ён-атроф жимжитлик, атроф осуда!  
 Сокилик қўйнига бурканган жаҳон,  
 Гўё бутун дунё ширин уйқуда.  
 Ва гўё табиат юмушдан чарчаб,  
 Талпингандай зумлик сукунат сари.  
 Тунги либосини гўёки безаб,  
 Чақноқ юлдузларни таққан сингари.  
 Фусункор жимжитлик ҳоким бу дамда,  
 Фақат бир қалб ором нима - билмайди.  
 Фақат бир қалб тинмай ўртанар ғамда,  
 Ҳеч қандай бахт уни шодон қилмайди.  
 Бу менинг қалбимдир! Шу каби ҳар бор,  
 Ую хаёлларга берилганим дам.  
 Соғинч ҳиссётлар такрор ва такрор,  
 Сен томон бошлайди, гўзал фариштам!  
 Хаёлимга тенгсиз жамолнинг олиб,  
 Ёниб, тўлқинланиб ғамга тўламан.  
 Хўрсиниб, атрофга назарим солиб,  
 Сени, фақат сени кўрмоқ бўламан.  
 Илоҳий сиймоинг, доно сўзларинг,  
 Кўз ўнгимдан кетмас, сўнмайди ҳамон.  
 Ажиб ҳислатларинг, шахло кўзларинг,  
 Қалбимни чорлайди ўзига томон.  
 Қайдасан, жавоб қил ва ғамимни ол!  
 Саргардон қалбимга бошпана ярат!  
 Чунки паноҳ излаб бўлганда беҳол,  
 У сенинг ёнигга қайтади албат...

АБДУЛАЗИЗ,  
талаба

\* \* \*

Мен сени севгим деб атасам,  
 Чўпчакдек тингладинг сўзимни.  
 Йўлларинг қарасам, пойласам,  
 Сўқир дея ёшладинг кўзимни.

Бедаво дард бўлди муҳаббат,  
 Бенаво фард бўлди муҳаббат.  
 Хаёл тўлқинларга айланиб,  
 Ўқинчдан фарқ бўлди муҳаббат.

Тунлар самодан гул тарарман,  
 Тонлар сабодан дил сўрарман.  
 Севмадинг, энди бу оламда,  
 Сенга вафодан гул тиларман.

Мен сени севгим деб атасам,  
 Чўпчак деб тинглайсан сўзимни.  
 Бўйнимга боғланган сочларинг,  
 Тикандек тимдалар юзимни...

Илҳом МАМИРОВ

**«ТУРКИСТОН»  
БАҲОДИРДАН  
БАХТ СЎРАЙМАН**

(Қатралар)

Бугун уни яна тушимда кўрдим. Нафаси димоғимга урилганини, яқинлигини туйдим. Уйғондим, ҳаммасидан бир зумда маҳрум бўлдим-қолдим. Озгина бўлса-да, тўлган кўнглим яна кимсасиз харобадай ҳувуллаб қолди. Энди мен учун ҳамма нарса ўз моҳияти ва мазмунини йўқотгандай. Фақат бир нарсага овунаман, уни ўйлашдан юпанч топаман. У -- сен. Сени ўзимдан йироқлаштиришга жуда кўп уриндим, иродам емирилавериб адо бўлди. Сени ўйлашмасликка, хаёлларимдан нари қувишга минг бора ҳаракат қилдим. Аммо сен менинг бир бўлагим, тўғрироғи менинг ўзимсан-ку! Ўзимдан эса қочиб қайга борай? "Сенга етишиб бўлмайди", деган фикр хаёлимга келганида ҳафсалам пир бўлади, яшагим келмай қолади.

Кўнларнинг ранги ўчиб кетган, бир-биридан бемаза, ойлар... Бир вақтлар унинг жилжирати сен эдинг. Юрагимга туташган барча йўлларни бир нур ёритиб турарди. Энди эса ўзим танҳо, бенур судралаиб яшайвераман. Судралаиб қаёққадир кетавераман. Кошки бу йўллар сенга элтса... Кошкийди...

Аммо қабрнинг ёқасида ҳам умид яшайди, дея кўнглимнинг устидан тинимсиз сийму зарларни сочаман, шу ила юпатаман ўзни. Чунки қоронғулик аро бир ёғду симиллаб чиқиб ўзига чорлайверади. Оёқ-қўлимдаги арқонларни кесишга уринаман. Бу арқонларни кўриб, ўзимни қарғишларим-ку, дея кўзларимдан нидо отилади. Қоқилиб-йиқилиб, урилиб-сурилиб шу ёғду хузурига боришга, ундан бахт сўрашга шошаман. Юзлаб баҳорлар, кузлар босиб ўтаверади. Яланг оёқ, ҳижрон қаҳратониди совуқ қотиб сенинг хузурингга-ёғдуга томон боравераман. Тилларим эса тинмай бир сўзни такрорлайверади:

Ёмоним бўлиб келсанг-да, ўзинг кел, лекин келгин, ёлғизим!!!

\* \* \*

Қалбнинг яланғочланган бадани ҳаёданми, ор-номусданми, (балки совқотгандир) дир-дир титрайди. Кўйлагимни бер дея муҳаббатга ялинаман. У эса кўйлақни узоққа, яна, яна узоққа иргитиб юбораверади. Қалбнинг кўйлаққа узатган қўллари муаллақ қолаверади. Фақат орада кўйлақнинг ердаги сурати, яна қанақа денг, судралаётган вақтдаги сурати хотира бўлиб қолади. Бу суратда истеҳзо бор, киноя бор. Ожизлар устидан қаҳ-қаҳа бор...

Қалбнинг яланғоч бадани бошқалардан шафқат излайди. Бу сўровнинг тафтидан ҳатто майсалар ҳам кўкариши мумкин эди! Бу сўровнинг тафтидан қорлар ер бағрига сингиб адо бўлиши мумкин эди! Аммо кўнгли тарновидидаги қорлар эри-мади. У кимсалар шафқатни ял-

тироқ қоғозга ўраб беркитдилар.

Самовий орзуларга ўралган қалб яна кутиш водийсида қолди. Яланғоч қолди. Аммо мақсад кўйлақ эканлигини билган ҳолда унга ишонтиришга уриндилар. Мақсад - кўйлақ эмаслигини. Охир-оқибатда қалбнинг ҳамёнида яна бир сурат пайдо бўлди. АҒДАРИЛАЁТГАН КўНГИЛ СУРАТИ!!!

\* \* \*

Мен бугун ўт бўлиб ёндим. Сув каби қайнаб тошдим. Айнан шу бугун сувларим ўзимга сиғмай қирғоқларга урилди-ю, фойдасиз қайтиб келаверди. Эрталабдан ёмғир билан бошланган кайфият кеч-кеча давом этди. Бу эзгинлик юрагимни минг бўлаққа бўлиб ташлади. Юрагим қафасга ташланган шердек ўзини ҳар ёққа ура бошлади. Нима бу? Алданган севгининг охириги қуйқасими? Ёки Ватанни кўмсаш? Балки азиз одамни қидира-қидира ҳолдан тойган дил наърасими? Ёхуд ҳаёт сувини ширин деб хаёл қилиб бир кўтаришда симирган тил ярасими бу? Нима?

Китобни ўқидиму, яраларим кўчиб тушди. Кўз ёшларим изнсиз оқиб келаверди. Фақат ошини ошаб бўлганларгина эмас, эндигина қирчиллама ёшга кирганлар ҳам ҳаёдан бутунлай этак силкиши мумкинлигини тушуниб етдим. Ҳақиқатда биз бир эмас, мингтамик, миллионтамик, балки ундан-да ортиқроқ-дирмик. Ҳақиқатда бирлашмоқ, сочилиб ётган қисмларимизни тўпламоқ иштиёқда ёнамик. Лекин биз дегани ким? Менлигим тўғри! Аммо улиги тўғрими? Ана чегараси йўқ саволлар...

Нимагадир атрофимдагилар менга ёмон қиёфада кўринади. Қачондан бошланган бу нарса, аниқ эслолмайман. Чунки яхши одамлар борлигини билсам-да, билмаслигимни қайд қилавераман. Балки ўзим ҳам уларга ёмон кўринсам ажаб эмас. Яқин кўнлардан бери гапларим худди алоқ-чалок тушлар кўриб, алаҳсираётган одамнинг гап-сўзларига ўхшайди.

Ҳа, йилларда дард бору, шифо йўқ. Шифо бўлса, дард йўқ. Кўнглимизни авраб, қуёшга кўз тикиб яшайверамиз. Тикилавериб қорачиқларимиз кенгайиб кетади. Аммо биз яна, яна, яна тикилаверамиз. Демак, дақиқалар ўтгани сайин биз халаскоримиз томон яқинлашиб бораверамик. Демак, яна ҳаммаси бошидан бошланажак... Гўё ҳеч нарса бўлмагандай... Ҳамма-ҳаммаси бошидан бошланажак.

Нилуфар МҶМИНОВА,  
аспирант

**О Ҳ А Ж О Ҳ**

Чехрангиздан олам бўлур чароғон,  
 Пойингизга тиз чўқади ер осмон,  
 Кўп соғиниб кўргим келиб бир сизни,  
 Сиз қайдаю мен қайдаман, онажон.

Қадрингизни мана энди билдирди,  
 Мусофирлик мени айлаб мусурмон,  
 Жаннатмақон ўлкада ҳур ўғлингиз,  
 Сиз қайдаю мен қайдаман, онажон.

Сизга бўлган қалбимдаги муҳаббат  
 Қўшиқларим ичра янграгай фақат,  
 Дийдорингиз кўрмоқ истаса Шўхрат  
 Сиз қайдаю мен қайдаман, онажон.

Шўхрат РАҲИМОВ,  
Тошкент вилояти



\* \* \*

Ишқинг рўёлигин билдим у кун,  
 Менинг содда дилим вайрона бўлди.  
 Энди бегонаман дедим сен учун,  
 Хайҳот, ўзимга ҳам бегона бўлдим.

Минбаъд мен бошқаман, мен  
 ўзга инсон,  
 Ўзимга ўзимни ўхшатолмайман.  
 Муҳаббат йўлида алдандим, ёмон,  
 Кимдир пинҳон йиғлар  
 тўхтатолмайман.

Кулгим кулги эмас, у йиғлаганим,  
 Қоғозни қоралаб кўнглим оламан.  
 Эгик бошни кўриб қувонма, ғаним,  
 У пайтда қалбимга қулоқ соламан.

Юрак қийнар: «Қани? Уни топиб бер»,  
 Бажо қилолмайман силтаб ташлайман.  
 Ё раб, энди бардош, сабру-тоқат бер,  
 Ахир мен ўзимни алдаб яшайман.

Ёсинжон ЭРҒАШЕВ,  
Фарғона

**АРМОҲ**

Зорланиб-зорланиб кўз тешиб кутар,  
 Ўтсам изларимдан телбавор ўнар,  
 Қайтсам изларимдан изма-из чопар,  
 Қўқон томонларда энтиқиб йўллар.

Қирларда буй чўзган лолақизғалдоқ,  
 Ёримнинг меҳридан очилган чаноқ,  
 Изларимга маҳтал, изимга муштоқ,  
 Хўрсиниб-хўрсиниб кутади йўллар.

Ана келаётир машина чангиб,  
 Ахир мени кутади неча йил гангиб,  
 Изларим борадир кўз ёшин артиб,  
 Изимдан термулиб қолади йўллар.

Бағрим ёриб бордим Ота қишлоғим,  
 Қайдасан Осмоним, Она тупроғим,  
 Сенинг кенгликларинг менинг чароғим,  
 Қайтаман мункайиб қолади йўллар.

Бизлардек сизлар ҳам шунчалар бахил,  
 Сизни кутган эдим ўттиз икки йил,  
 Лоқал кўнгли учун сўрамай кўнгли,  
 Бепарво қизлардай ўтади йиллар.

Шуни кутганмидинг  
 навқирон ЕШЛИК?!

Муҳаммад УМАР,  
Андижон

Агар ҳижрон келса бостириб,  
 Узоқларга олиб кетсам бош,  
 Қолмайсанми сен беҳол туриб,  
 Кўзларингга келмайдими ёш?

Узоқлардан менинг кўзларим,  
 Қуёш бўлиб боқса сен томон,  
 Тонг чоғида кезади шафақ,  
 Чопармисан сен қуёш томон?

Кечалари ухламай бедор,  
 Оймомодан йўлласам салом,  
 Саломимни қабул айлаб сен,  
 Айтармисан мен учун калом?

Қалб амримга қулоқ тутсам гар,  
 Боргим келар хузурингга боз  
 Дариг тутма меҳрингни мendan,  
 Сен ҳақингга гар қуйласам оз.

Ўқтам ҚАРШИЕВ

**КИМДИР СЕҲИ СЕВСА**

Қандай яхши кимдир сени севиб яшаса,  
 Лабларида пичирласа исминг сўроқлаб.  
 Кўзларига суртса сени юрган изларинг,  
 Бир умрга юрагида қолса ардоқлаб.

Қандай яхши кимдир сени севиб яшаса,  
 Меҳрин изҳор қила билса, суюк кўзларда.  
 Қараб-қараб тўёлмасанг қорачиқларга,  
 Таърифини қилолмасанг буюк сўзларда.

Қандай яхши кимдир сени севиб яшаса,  
 Қўлин тутса қўлларингга ҳаяжонланиб.  
 Шивирласа қулогингга "Севаман" дея,  
 Жавоб тона олмай қолсанг тилинг чоғланиб.

Қандай яхши кимдир сени севиб яшаса,  
 Ардоқласа кўзин қора қорачиқдай.  
 Қаторида юрганнингга шукурлар қилиб,  
 Ғанимларни юрагини ёндирса атай.

Қандай яхши кимдир сени севиб яшаса,  
 Юрса доим ёнларингга биргама-бирга.  
 Сени ато қилганига севиниб-топиб,  
 Юрагида шукур қилса гўзал тақдирга.

Қандай яхши кимдир сени севиб яшаса,  
 Гўзал САҒАРОВА,  
талаба

# КҮНГИЛ МУЛКИ

## КЕЛИН ҲАМ ҚИЗИНГИЗ-КУ...

Ўзбек оиласи фарзанди дунёга келганидан бошлаб яхши ниятлар билан тўй қиламан деб, тиришиб-тирмашиб яшайди. Ҳатто бирор жойда яхши қиз борлигини эшитса секин "кўз ости"га олиб қўяди. Фарзандлари улғайиб вояга етганда бор-йўгини шу тўйга сарфлайди...

Нима учун биз катта тўй қилиб маҳаллада ўзимизни кўз-қўзлашни одатга айлантганимиз? Тўйдан кейин-чи? Бу икки ёш бахтли бўладими? Уларнинг ҳаётдаги қийинчиликлар қандай ҳал этилади? Бу ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди. Бир кунлик тўй катта дабдабалар билан ўтиб ҳам кетар, лекин ҳаммаси кейин бошланади.

Зебо ҳам яхши ниятлар билан ота-онасининг фотиҳасини олиб, оппоқ либослар кийиб, маҳалладаги обрў-эътиборли хонадонларнинг бирига келин бўлиб тушди. Ҳали у бу оиланинг паст баландини билмайди, аммо азонда туриши, ҳовли-кўчаларни супуриши, нонушта тайёрлаши, турмуш ўртоғини ўқишга жўнатиши керак. Авваллари ўз хоҳишича кийиниб, ўқишга кетадиган эр ҳам Зебони кутади. Кун келса жойида турган пайпоғини топа олмайди. Ҳар куни ўзи артиб кетадиган туфлисини ҳам энди келин артиб кийдириб қўйиши керак. Уйда қайнона-қайнота бор. Ҳамма нарсани жой-жойига қўйиб кейин ўқишга боради. Эрталаб нонуштани нари-бери қилган Зебонинг қулоғига бирор нарса кирмайди, дарсада фақат уйқуираб ўтиради. Қайнона ва қайнотаси келинларидан хурсанд, кўни-қўшни, қариндош-уруғларга Зебони тинимсиз мақташади.

Вақт ўтиб Зебо ҳомилдор бўлди. Қўлидан келганча уй юмушларини қилишга ҳаракат қилди, лекин чарчаб кўнгли айниб, боши айланади. Бу ёқда ўқиши. Бир куни эрталаб кечроқ турди, қараса ойиси ҳовли супуриб юрибди. Югуриб бориб қўлидан супургини оламан деса, қайнонаси "уйга кириб ётаверинг" деб зарда қилди. Айвонда қараб турган қайнотаси "қирқ беш ёшга кирган ойингиз ҳовли супуриб юрса

уйт эмасми?" деди писанда билан.

Зебо ич-ичидан эзилиб кетди. Бир кун кеч тургани учун шунча гап. Ахир кечаси билан ухлай олмай, юриб чиқди. Эрталабга яқин кўзи илинибди.

Зебо фарзандлик бўлди. Тугруқхонадан дабдаба билан олиб келишди. Бор-йўқларини сарфлаб меҳмон чақирдилар.

Икки-уч кундан кейин ҳамма ишга, ўқишга тушиб кетди. Зебо эса чақалоғи билан уйда қолди. Ўз-ўзидан бутун уй юмушлари ҳам унинг гарданида. Аввалги Зебодан ҳеч нарса қолмаган, озиб-тўзиб кетган. Бунинг устига уйдагиларининг "ишқмас, дангаса" қабилидаги гаплари ортиқча. Эндигина ўн тўққиз ёшга кирган Зебо тез-тез асабийлашадиган бўлиб қолди. Бу эса унинг сути орқали фарзандига ҳам таъсир қиларди.

*Қадрига газетхон, мен бу билан ёш келинчақлар ҳеч қандай иш қилмайдиган, оқбилак бўлишларини хохламайман, лекин ҳамма нарсанинг ўз меъёри бўлгани яхши. Бувимларнинг ёшлари саксон бешда. Айтишларича, фарзандли бўлганларида қирқ кун «чиллали» деб оғир ишларни қилдиришмаган экан. Менимча, тўйга сарф қилган пулларнинг ўндан бир қисмини келин ҳомилдорлик пайтида ва фарзандлик бўлгандан сўнг сарфласак, нур устига аъло нур эмасми?! Ахир шу келин ва набираларимиз кексайганда суянчигимиз бўлади-ку. Нима учун бугун шу оддий ҳақиқатни тушунгимиз келмайди?*

НАСИБА МЕЛИБОЙ қизи

10-синфга ўтганимизда бизга қўшни 9 йиллик мактабдан ўқувчилар келиб қўшилишди. Кунлардан бир кун дўстим янги қизлар орасидаги энг чиройлиси "Н... сени севиб қолибди" деди. Унинг ҳазиллашаётганини била туриб юз сўмга гаров ўйнадик. Н...га муҳаббат "изҳори" битилган мактуб йўлладим. Иккинчи бор ёзган хатимга "хўп" деган ижобий жавоб олдим. Шу-шу бўлдио бизнинг бахтли кунларимиз бошланиб кетди. Ҳазил билан бошланган сеvgи ҳақиқий, юракларни ларзага солувчи, беғубор муҳаббатга айланди. Олдинлари оддийгина туюлган бу қиз, кейинчалик мени ўзига мафтун этиб, сеҳрлаб қўя бошлади. Ҳатто

юбориш учун рўмол тайёрлади. Лекин бу пайтда Н...ни унаштириб қўйишган экан. Бу хабарни эшитдим, баданимдан совуқ тер чиқиб кетди. Шу сониялар мен учун қандай оғирлигини фақат бошидан ўтган инсонгина тасаввур қила олади. Туғилган кун мен учун хурсандчилик билан эмас, аза билан ўтди.

Минг афсуски, онам атаган рўмол Н...нинг пешонасига, Н... эса менинг пешонамга ёзилмаган экан.

Орадан уч йил ўтди. У билан ўтган ҳар бир кунни ҳали-ҳануз унутолганим йўқ. Барибир унутуш керак. Негаки айб ўзимдан ўтган эди. Мен бу бахтсизлик-

## ЮЗ СЎМЛИК СЕВГИ АЗОБИ

мактабга ўқиш учун эмас, Н...ни кўриш учун борадиган бўлиб қолдим.

Ўзга қизлар олдида булбул бўлиб сайрардим, аммо унинг олдида тилим калимага келмай қоларди. Бошқа қизларга қанча бўлса-да тикилиб турардим, аммо, унга келганда... Менимча сеvgи деган тўйгу мана шу бўлса керак. Шундай қилиб ширин ўй-хаёллар билан роппа-роса бир йилни ўтказдик. Кейин эса ҳижронли кунлар бошланди. Чунки, Н...га совчилар келатган эди. Мен эса ота-онамга буни қандай айтишимни билмасдим. Чунки, биринчидан уялсам, иккинчидан оилавий шароитимиз тўйга тайёр эмас эди.

Тишимни-тишимга қўйиб, дардларимни ичимга ютиб юравердим. Менинг қийналаётганимни сезган дўстим Мансур, бўлиб ўтган воқеаларнинг ҳаммасини онамга айтиб берибди. Онам у қизга уйланишимга рози бўлди-ю, лекин отам кўнмади.

Юрак-бағрим эзилиб, ҳижрону алам билан юрган дамларим эди. Шу кунларда таваллуд куним ҳам етиб келди. Туғилган кунимга синфдошларим қатори Н...ни ҳам таклиф этдим. Онам Н...нинг бошини боғлаб

ларнинг ҳаммасини ўзим сотиб олганман, яъни юз сўмга.

Айни дамларда мен ТошДУнинг журналистика факультетида таҳсил олаётиман. Айнан журналист бўлишимга ҳам юқоридаги дардлар қисман бўлсада таъсир қилган.

Ўзгартириб бўлмас тақдирнинг фарзанд деб аталмиш бахтларидан агар пешонамга қиз ёзилган бўлса, муҳаббатимни исботлаш учун, унинг исмини қўяман. Айрилиқ кунлари ваъда берган эдим. Албатта муҳаббатимни исботлаш учун ваъдамнинг устидан чиқаман.

Қизнинг исмини тўлиқ ёзмаганимнинг сабаби у ҳозир умр йўлдоши билан ширин ва бахтли турмуш кечирмоқда. Шунинг учун уларнинг бахтига тўғанок бўлишни истамадим, аксинча, уларга бахт тилайман.

ОТАБЕК,  
ТошДУ халқаро  
журналистика факультети,  
1-курс талабаси



## МАҚДУР НЕЧУН ЧУРАМОУ...

1998 йил 19 март куни биз танишган эдик, ушанда мен 18 ёшда эдим, сиз эса 19 ёшда эдингиз. Сизнинг исмингиз ҳам менга ёқарди. Техникумда "Наврўз" байрамида мен ашула айтдим, кейин ҳамма рақсга тушди, мен ҳам сиз билан рақсга тушдим, байрам тугади. Сиз мени кузатиб қўйдингиз, биз бирга расмга ҳам тушгандик, уша расм ҳозир амакимнинг қизи Дилфузада. У ҳам бизга ҳаваси келиб расмни олиб кетганди. Тўғриси айтсам, ушанда ҳамма бизга ҳавас қиларди. Қани энди уша ҳаваслар, қани уша сеvgимиз. Эҳ, Ҳабибулла, сиз нақадар пасткашлик қилдингиз, наҳотки сеvgимизни асраб қололмадингиз, бунчалик ўзингизни бепарво кўрсатдингиз. Ингит деган ҳам шунчалик бўладими, йигитлик гурурингизни асраб қолдингиз-у, сеvgимизни асраб қололмадингиз. Ҳабибулла, сиз фақат ўзингизни уйламанг, мени ҳам уйланг, ахир менда ҳам кўнгли деган нарса бор-ку, нега шунчалар безиб кетдингиз. Майли хоҳшингиз, зоримиз бор-у зўримиз йўқ. Лекин мен бошқани севолмасам керак, бошқани севмайман ҳам! Сеvgим сиз билан бошланган бўлса, сиз билан тугайди, майли сиз ўзгани сеving, ўзгага уйланинг, мен қарши эмасман, ўзининг бахтимни ҳам сизга берганман-ку. Майли, сиз мени уйламанг, фақат ўзингизни уйланг. Менинг қасамимни ҳеч ким, ҳаттоки ўзим ҳам буза олмайман.

Кўнглимнинг эгаси сиз бўласиз, шунинг учун ҳеч ким унга қира олмайди, қачонки сиз ўзганики бўлиб, кетганиздагина ушанда ҳам ноиложликдан кўнглимни бушатиб қўяман. Ҳабибулла сизнинг бахтли бўлиб, бахтли яшаб кетганингизни кўрганымдан кейингина, ҳаммасидан воз кечиб, ушандан кейингина сизни унутшим мумкин, унга сиз ўзгани деб юрсангиз ҳам, барибир мен сизни деб юраман. Менинг аҳду паймон қилганим сиз бўласиз. Ҳабибулла, сиз майли билганингиздан қолманг, ўз гурурингизни сақлаб юраверинг, сиз ўғил боласиз, сизга фарқи йўқ-ку, тўғрими. Мен эса сиздан бошқа ҳеч ким билан юрмайман. Сизни ҳеч кимга алмаштирмайман, сиз эса алмаштириб булгансиз, тўғрими Ҳабибулла.

Ҳабибулла, сиз ҳеч қачон ўтмишни эсламанг, менга ҳам эслатманг, илтимос, чунки у кунлар қайтмайди, у кунлар ўтмишда. Уша кунларда бирга бўлган жойларга қалам қўйманг, чунки у кунларни хаёлингиздан қўйинг, илтимос. Мен кўрган кунларимни ҳатто душманамга ҳам раво кўрмайман, бир қоқилдим яна қоқилмасликка ҳаракат қиламан. Сиздан фақат битта илтимосим бор, биринчи учрашган кунимиз 19 мартни ҳеч қачон унутманг.

Сизга ҳам омад, бахт тилаб қолувчи курсдошимиз  
Латофат ТУРАХОН қизи,  
Қарши шаҳри

XX аср охирида ҳам бизнинг Чиялида йигит-қизлар ота-оналарининг таъини остида жуда эрта турмуш қуришади. Масалан; қизлар ўрта ҳисобда ўн олти ёшида унаштирилиб, ўғил болалар эса ўн саккиз ёшида боши икки қилинади. Баъзида бахти очилган қизалоқни ундан ҳам ёш вақтда унаштириб қўйишлари мумкин.

## ЁЗИЛМАГАН ҚОНУН

Тахминан 15-20 фоиз қизларни 15 ёшида 9-синфни битказгандан кейин мактабдан чиқариб оқ либосга ўрашади. 30-40 фоиз йигитларни эса ўн етти ёшида бўйнига ола хуржунни илишади. Агар қиз мактабни битказгандан кейин бир йилча узатилмаса қишлоқликлар учун қариқиз ҳисобланади. Ёки йигитлар 24-25 ёшигача уйланмай юришса ёши ўтган ҳисобланади. Лекин ҳарбий хизматда ёки ўқишда бўлса узрли. Чиялилик ота-оналар қизларини ўқув юрғларига юборишмайди. Шаҳарда ўқиган қизлар ҳақида мишмишлар бисёр бўлади. Шунинг учун қизлари ўқишдан кўра ор-номусини устун қўйишади.

Ёшларни бунча эрта унаштиришлари ота-оналарнинг манманликлари ва "мен сендан камми" деган рақобатлари оқибатида содир бўлмоқда. Ундай урф-одатдан гурурланиш керакми ёки ачинми?

ШЕРАЛИ ОТАБОВ,  
Чироқчи тумани,  
Чияли жамоа хўжалиги

**В И Л Ъ Н Ю С.** Польша Президенти Александр Квасневский икки кунлик амалий ташриф билан Литвада бўлди. Ташриф доирасида Литва ва Польша Президентлари - Валдас Адамкус билан А.Квасневский икки мамлакат ўртасидаги алоқалар, Литванинг Европа Иттифоқи ва НАТОга интеграциялашуви билан боғлиқ ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалаларни муҳокама қилди. Шунингдек, Польша Президенти Литванинг диққатга сазовор жойларини бориб кўрди.

**С Е У Л.** Жанубий Корея марказий банки маълумотларига қараганда, давлат валюта захираси ой сайин ўсиб бормоқда. У 15 февралгача 52,2 миллиард АҚШ долларига етди.

Марказий банкнинг матбуотда эълон қилган хабарига кўра, Корея Республикасининг давлат валюта захираси февралда январь ойига нисбатан 2,13 миллиард долларга ўсган.

**А Д Д И С - А Б Е Б А.** Африка Бирдамлик Ташкилоти 50 кишидан иборат кузатувчи гуруҳини Нигерияга юборишга қарор қилди. Мазкур гуруҳ яқин кунларда Нигерия президентлигига ва мамлакат парламентида бўладиган сайловлар чоғида ўз миссиясини бажаради.

Оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга қараганда, ҳокимиятни ҳарбий бошқарувдан халқ бошқарувига қайтариш учун Нигерия давлати раҳбари генерал Абдусалом Абубакар мамлакат парламенти ва президен-

тлигига 20 ҳамда 27 февраль кунлари сайлов бўлиб ўтишини эълон қилган.

**Т Е Х Р О Н.** Эрон ҳукумати минтақада барқарорликни таъминлаш учун Форс кўрфазидagi мамлакатлар билан хавфсизлик тўғрисидаги битимни имзолашга тайёр. Эрон Президенти Муҳаммад Ҳотамий шундай баёнот берди.



Унда айтилишича, кўрфазда хавфсизликка фақатгина минтақавий ҳамкорликни мустақамлаш йўли билан эришиш мумкин. Эрон бундай ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр. Шунингдек, М.Ҳотамий Форс хавзасидан ташқаридаги давлатлар ўз қуролли кучларини минтақадан олиб чиқиб кетишлари шарт эканини таъкидлади. Унинг фикрича, шундагина минтақада хавфсизликни таъминлашга имкон яратилади.

## ЯГОНА ПУЛ БИРЛИГИ МАРКАЗИЙ АМЕРИКАДА ЖОРИЙ ЭТИЛАДИМИ?

Марказий Американинг бир неча давлатлари ўз мамлакатларида АҚШ долларини миллий пул бирлиги сифатида қабул қилиш имкониятларини кўриб чиқмоқчи. Жаҳон ахборот агентликлари тарқатган хабарларда айтилишича, яқшанба кuni Панамага ташриф буюрган Америка мамлакатлариаро тараққиёт банки раиси Энрике Иглесиас шуну маълум қилган. Унинг айтишига қараганда, мазкур ҳудуддаги мамлакатлар ҳукумати вакиллари банк раҳбариятига мурожаат қилиб, миллий иқтисодиётга долларни тадбиқ қилишнинг ижобий ва салбий томонларини таҳлил этиш учун халқаро семинар чақирини сўраган. Мазкур халқаро анжуманда долларни миллий пул сифатида қабул қилишнинг барча жиҳатлари, шунингдек, бунинг қандай оқибатларга олиб келиши эҳтимолларини ҳам чуқур муҳокама этиш режалаштирилган, деди Э.Иглесиас.

Банк раҳбари долларни миллий пул сифатида тадбиқ этиш учун мазкур ҳудуддаги ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволи алоҳида кўриб чиқилмоғи лозимлигини қайд этди. Чунки бу «нафақат иқтисодий жабҳага тааллуқли, балки сиёсий аҳамиятга молик бўлган масала ҳамдир», деб таъкидлади Энрике Иглесиас. У мазкур масала юзасидан ўз фикрларини баён этиб, ягона пул бирлиги Жанубий Америка умумий бозори тузилмаси таркибига кирувчи мамлакатлар — Уругвай, Аргентина, Бразилия ва Парагвайда жорий қилиниши мақсадга мувофиқ эканини айтди. Шу билан бирга банк раҳбари ушбу мақсадни рўёбга чиқариш учун мураккаб йўлни босиб ўтишга тўғри келишини ва бу қисқа муддатда амалга ошириб бўлмайдиган иш эканини ҳам алоҳида таъкидлади.

Шухрат УМИРОВ,  
ЎзА шарҳловчиси

### (Давоми. Аввали ўтган сонларда)

Мумтознинг халиёқ Акмалга назари тушган, бироқ хизматга чиққан кўни-қўшнилардан биронтасидир, деган фикрда эътибор бермаганди. Тахмина ҳам бугун ўзини яшнатиб турган қувонч ва ҳаяжонининг боши сабабчиси Акмал эканлиги, унга узоқдан тез-тез пинҳона назар ташлаб, бундан ҳузур ва ҳаловат топиб турганига қарамай, эрига бу ҳақда оғиз очмади. Бунга ҳали фурсат етмаган эди. Меҳмонлар бир четда қолиб, дарровоқ унга "Акмал келди!" деб суюнчилаши ёш боланинг ишидек бир гап эди. Иккинчидан, Тахмина яхши билади, Мумтоз ниҳоятда сезgir ва эҳтиёткор одам.

Орадан бироз вақт ўтиб, Акмалнинг ўзи уларнинг олдига қабоб келтириб қўётганида, ширакайф Мумтоз сўраб қолди:

-- Маладес, зўр йигит экансан. Отинг нима эди?

Акмал Тахминага ўгринча назар ташлаб олди. Тахмина "пиқ" этиб кулиб қўйди, кейин ёрилишга мажбур бўлди:

-- Танимадингиз, бегим. Бу йигит Акмалку... Сурайёнинг ўғли.

-- Нима, нима, Сурайёнинг ўғли?! - Мумтоз чайқалиброқ ўрнидан турди-да, Акмалга оғуш очгандай бўлди: -- Қачон келиб қолдинг, қасрдан?

У йигитнинг иккала кифтидан тугтиб, уни силтаб-силтаб қўяркан, "Яхши, яхши. Азамат йигит бўлсан", - деди. -- Қани, кел, биз билан ўтир. Майли.

Бироқ Акмал ўтиришга кўнмади.

Бир вақтлар Мумтозни у ашулалари орқали гойибона ҳурмат қилиб, шундай катта ҳофиз ўзига қариндош эканлигидан фахрланиб, у билан учрашиш орзусида ҳам юрарди. Кейинроқ онаси Тахминани олиб келиб унга таништирганини, шундай бообру, кап-катта одам ўз ойласи ва фарзандларидан воз кечиб, унга уйланганини эшитгандан буён Акмалнинг ундан кўнгли совиб кетган. Бироқ не чора, дарду аламлари ичида тош қотиб турибди. Мумтознинг кибру ҳавоси, ҳозир уни худди ёш боладек билиб сенсираси, Тахминанинг олдида кифтидан силкитиши, боз устига, "Биз билан ўтир, майли" дейиши Акмалнинг яна ғашига тегди. Шу боис у шунчаки, Алим ака томон ишора қилиб, "Биз ўзимиз..." деганича кескин ортига бурилди. Тахмина уни тушунди, Акмал учун ичида эзилиб қўйди.

Маълум бўлишича, худди ҳали Тахмина уйлаганидек, Кутбиддин Тошкентга юк машиналарида ўн беш комплект мебел гарнитурини ортиб жўнатиб, кейин ўзи самолётда учган экан.

-- Юқлар эрта-индин Тошкентга

кириб келади, -деди Кутбиддин Мумтозга.

-- Ўн комплектини савдо омборига, бештасини Оқсаройга олиб келиб туширасиз. Мен ўзим ажратиб бераман. Шундан тўрттаси сизларга, биттаси Давлатбердига. Қолган гапларни кейин гаплашамиз...

Эронлик меҳмон Оқсарой учун тўрт комплект мебел гарнитурини ажратилганини эшитиб, Тахминани хоним росаям қувонса керак, деган хаёлда унга ўгринча назар ташлаб қўйди.

-- Сиз чиндан ҳам олижаноб экансиз, -деди у яна кўшимча қилиб. -- Биз ҳам ўз ўрнида, сиздан қарздор бўлиб қолмаслик ҳаракатини қиламиз.

Мумтоз уни маъқуллаб, "Правильно, маладес!" деб қўйди кайф билан чайқалиб.

Аслида ҳозир Тахминанинг хаёлини банд этиб, унинг қалбига ширин-ширин ҳиссиётлар уйғотаётган, руҳига руҳ қўшиб турган нарса ҳашаматли Оқсарой ҳам, хорижий мебеллар ҳам эмасди.

Унинг фикрида, кўз ўнгида энди кўпроқ Акмал гавдаланиб турибди. У Мумтоздан, меҳмонлардан пинҳона Акмал томонга тез-тез қараб қўярди. Суйган кишиси энди ўз ёнида эканлигидан қувончи ичига сиймай боряпти.

Тахмина бирров "Акмалнинг онаси"дан ҳол сўраб қўйиш, кейин ошхонага ўтиб, агар норин тайёр бўлган бўлса, Сожида билан бирга сузиб келтириш ниятида меҳмонлардан уэр сўраб, ўрнидан турди.

Шундан кейин ҳаммалари учун кутилмаган яна бир воқеа рўй берди.

Тахмина эндигина куйдир-пиширдан бўшаб, яна пардоз-андозини ўнглаб олган Сожидани меҳмонлар билан таништириш учун улар қошига олиб келувдики, Давлатмурод сапчиб ўрнидан туриб кетди. У Сожидага тикилганча тош қотиб турар, уни кўриб Сожида ҳам ҳайратда эди.

-- Давлат?!

-- Сожида... Мен сени бу ерда учра-таман, деб уйламоқчим.

-- Мен тошкентликман, Давлат. Сен ўзинг нима қилиб юрибсан бу ерларда?

-- Сени излаб келдим. Ишонсанми?..

-- Йуқ...

Сожида билан Давлатберди ўртаси-

даги алоқанинг аччиқ бир тарихи бор эди.

-- Сожида Тошкент мактаб-интернатларидан бирида ўсиб-улгайди. Болалик чоғларида отаси фақат ахён-ахёнда келиб ундан хабар олиб турарди. Кейинчалик нима бўлди-ю, ота ҳам дом-дараксиз кетди. Энди ундан ҳам умидини узиб, батамом етимликни гарданига олган қиз ўрта мактабни тугаллаётган кунлари бир қозоқ йигит хотини билан иккита боласини етаклаганча уни сўроқлаб келди. Сожидани топиб, "Мен ўгай аканг бўламан. Раҳматли дадамизнинг васиятига кўра сени излаб келдим. Сен биз билан Алматига кетишинг керак" деб қолди. Меҳру оқибатга ташна етим қиз узоқ уйлаб турмади. Ўгай аканинг этагидан маҳкам тутиб, у билан Алматига бирга жўнаб кетди.

У ерда ўгай ака Сожидани бир савдо базасига мудирлик қилувчи Давлатберди исмли дўстига пулламоқчи бўлди. Тўғри, Давлатберди ҳам уйланмаган лочин йигит эди ва хушрўйгина Сожидага астойдил кўнгул бериб қолди. Лекин тошкентлик Сожида бу ерга ўргана олмади, бир кечадаёқ ўгай аканинг уйини тарк этди.

Тошкент йулида ҳарбий хизматдан қайтаётган Фуломжон исмли фарғоналик бир йитиг билан танишиб, Фарғонага келиб қолди.

Туй-томоша қилиниб, шу йигитга турмушга чиқди.

Бироқ тақдир яна Сожидага кулиб боқмади. Туйдан кейинроқ қайнота машинада аварияга учраб ҳалок бўлди. Ундан кейин, армиядалиги вақтида аллақандай махфий қисмда хизмат қилиб юриб радиё билан заҳарланган Фуломжонда оқ қон касаллиги ҳуруж қилиб чиқди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмаёқ у ҳам ҳаёт билан видолашди.

Қулида бир яшар қизчаси билан қолган Сожида энди бу даргоҳда бошқа яшолмади. "Шумқадам" келин ниҳоят бир кuni бу аччиқ қисматнинг дарду аламларидан адои тамом бўлган кекса ва афтодаҳол қайнона билан орани очик

қилиб қўя қолди. "Мен бу ерларда бошқа яшолмайман. Алматига акамни кига кетаман!" деди. Онаизор хўп йилгади. Фуломжондан қолган битта-ю битта ёлғорлик - жажжи неварасидан ҳам энди жудо бўлаётгани учун қон-қақшаб қолди...

Алматига ўгай ака уни совуқ қарши олди. "Мени гапимга кирмадинг. Ўша юртларга кетиб қолиб, мана орттириб келганинг шу бўлди!" деди.

Кунларнинг бирида Сожида билан акаси ўртасида Давлатбердидан гап очилиб қолди. Шунда акаси Давлатбердининг икки марта уйланганини, лекин ҳануз бахтини тополмаганини айтди. Ўша кунийёқ Сожида унга телефон қилди. Гап орасида ўзининг "боши очик"лигини қистириб ҳам ўтди. Шундан кейин улар икки-уч марта учрашишди, бир бор Сожида Давлатбердини кидида тунаб ҳам қолди.

Орадан бироз вақт ўтиб, ўгай ака масалани очик қилиб қўйди:

-- Давлатберди бутун давлатим, кўшқу айвонларим Сожидага мунтазир. Лекин бир ўзи келсин, деяпти. Энди буюғи ўзинга ҳавола...

Сожида ўшанда... бир умр юрагига учмас доғ ва армон бўлиб қолган қабих ишга қадам босди. У ўз тинчи ва фароғати, ҳавойи нафси йулида қулидаги бир яшар жигарпорасидан воз кечишга журъат этди, гўдагини фарзандсиз бир хонадонга тортиқ қилиб юборди...

У Давлатберди билан энди ғам-ташвишсиз яшай бошлади. Бироқ ҳар бир иши учун Аллоҳ ажрини муқаррар экан. Давлатберди кунларнинг бирида ўгай ёшгина бир санамни етаклаб келди-да, Сожидага:

-- Мени кечир. Мен энди ўз тенгимни топдим, - деди. - Бу уйдан нимаики керак бўлса олгинда, бизни ҳоли қўй.

Сожида шундай қилиб, яна тошкентлик бўлиб қолган эди.

Давлатберди утирганларга Сожида билан боғлиқ ўз кечмишларидан оғиз очмади. Улар шунчаки, бир вақтлар Алматига турмуш қуриб, бир йилча яшашгани ва "характерлари тўғри келмай" ажралишганини маълум қилишди холос.

-- Бу учрашув жаноб Давлатберди учун ҳам, Сожида хоним учун ҳам фақат шодлик келтиришига ишонаман, - деди Кутбиддин ўзича яйраб. - Қелинлар, икковлари учун омад тилаб, қадаҳ кўтарайлик!

Ўтирганлар унинг таклифига бажонидил қўшилишди.

(Давоми бор)

**СВАЛИХ  
ҚАХҚОР**

**ДАЙДИ  
ҚАЖИНИ  
ХАСРАТ  
КЕЧАСИ**

**ИККИНЧИ  
КИТОВЕДАН**



## ЧЕМПИОНАТ БАЙРОФИ ТОШКЕНТДА

Тарихда Алпомиш-у Гўрўглилар машҳур бўлган ўзбекнинг бугун ҳам пахлавонлари бисёр. Ана шулар сабаб кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати шу йилнинг 1-2 март кунлари Тошкентда бўлиб ўтади.

Куни кеча пойтахтимизда Халқаро кураш уюшмаси ижроия қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда ана шу жаҳон чемпионатига тайёргарликка доир ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Бугунгача бизнинг мамлакатимизга ташриф буюрмакчи бўлганлар жуда кўп. Халқаро кураш уюшмасига дастлабки аризалардан маълум бўлишича, кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатини 15 мамлакатдан келган мухбирлар ва Европанинг машҳур "EVRO-sport" телекомпанияси ёритиб боради.

-- 16 февралда юртингизда террорчилар томонидан содир этилган суиқасд кўпчилигининг қизиқишини уйғотган бўлса-да, бу жиноят спортчиларнинг Ўзбекистонга келишига монелик қилолмайди, — дейди Халқаро кураш уюшмаси вице президенти Франц Хугендак. Чунки шу воқеалардан сўнг ҳам кўплаб мамлакатлар бу чемпионатга қатнашиш истагини билдиришди.

Биз кўпоровчи кучларга эмас, балки узоқни кўзлаган сиёсатчи, тинчлик ва барқарорлик учун курашда ўз жонини аямайдиган Президент Ислам Каримовга ишонамиз.

Хуршид БЕК

## ТИЛИНГИЗНИ ЙЎҚОТИБ ҚЎЙМАНГ

Эрамининг биринчи асрида тахминан 100 мингга яқин тил бор эди. Урта асрларга келиб, у минггага камайди. Ҳозир дунёда 6 мингга яқин мавжуд тилнинг 90 фоизи бошқа тилларга қўшилиб кетиш хавфи мавжуд.

Тилшуносларнинг фикрича, келгуси асрда йил сайин ўртача 12 тадан тил йўқолиб бораркан. Европада масалан, XVI асрда гот, XVII асрда эски прусс тили йўқолиб кетди. 1777 йилда Англияда Корнуэль тилида гапира оладиган ягона аёл ҳам вафот этди. Яқин ўн йилликда Германияда шимолий фризий ва серболож тиллари ҳам ер юзидан "гойиб" бўлса керак.

## ЭНГ ИФЛОС РУЧКА ШИФОКОРДА

Зальцбург университети олимлари каттагина шифохонада врачлар ва ҳамширалар фойдаланган 42 та шарикли авторучкаларни шунчаки текшириб кўриб, ҳайрат бармоғини тишлагани. Авторучкалардан 15 хилдаги микроблар, шу жумладан, антибиотиклар ҳам кўриб қилмайдиган тилда стафилоккок ҳам топилди. Демак, тиббиётанжомларига қўшиб, авторучкаларни ҳам вақти-вақти билан қайтариб олиш зарур экан.

## ДОРИ КИТЎБНИ ЁДЛАТАДИ

Кўшиларнинг сингий қувватини оширувчи "Виагра" моддаси ҳақида эшитган бўлсангиз керак. Уни яратган "Пайсер" дорилунослик компанияси эндиликда инсон миёсига қувват берувчи дори яратмоқда. Англиялик олимлар ҳозирча кашфиётларини ҳайвонларда синаб кўришди. Тиббиётдан маълумки, агарда миёда трансмиттер деган модда камайиб кетса, кишининг ақли заифлашади. Чунки у миё тўқималарига ахборот етказиб беролмайди. Янги дори организмнинг трансмиттерга бўлган эҳтиёжини таъминлайди.

-- Насиб этса, талаба имтиҳон арафасида биз яратган дорини ичиб, эртасига бутун бошли дарсликни ёддан айтиб бера олиш қобилиятига эга бўлади, — дейди янгилик кашфиётчилари.

## "ПАХТАКОР" ДАН ОМАД ЮЗ ЎТИРДИМИ?

Омад билан мағлубият ўртаси бир қадам эканлиги, айниқса, спорт ўйинларида кўп марта ўз тасдиғини топган. Бироқ спортчилар бирин-кетин омадсизликка дуч келса, ўз мухлислари сонини камайтириб қўйиши табиий. Лекин биз бу йилги халқаро ўйинларда мағлубият исканжасида қолган мамлакатимиз чемпиони "Пахтакор" жамоаси ҳақида бундай фикрга келмоқчи эмасмиз. "Пахтакор" гарчанд Таиландда ўтказилган XIII Осиё чемпионатида, шунингдек, Осиё кубоги эгалари кубоги мусобақасида ўз рақиблари кучига бардош берган бўлса-да, бу гуруҳ биз-



Рўзи БОЙ

нинг энг сеvimли жамоаларимиздан бири сифатида қолаверишига ишонамиз. Энди шу йилнинг 21 февраль куни пойтахтимиздаги "Жар" спорт мажмуасида ўтказилган Саудия Арабистонининг "Ал-Иттиҳод" клуби билан "Пахтакор"чилар ўртасидаги мусобақалар хусусида тўхталсак. Айнан мана шу баҳс мамлакатимиз спорти мутасаддиларини футбол равнақи учун янада кўпроқ қайғуришга даъват этган бўлса ажаб эмас. Чунки мамлакатимиз чемпиони "Ал-Иттиҳод" билан бўлган жавоб учрашувида. Ўзимизнинг яшил майдонимиздан бошларини қуйи эгган ҳолда чиқиб кетишга мажбур бўлишди. Аниқроғи, ўз майдонларида "Пахтакор"ни 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратган араб футболчиларига Тошкент майдонлари ҳам омад келтирди. Улар учрашувнинг дастлабки 6-дақиқасидаёқ ҳисобни очишга муваффақ бўлишди. Ачинарлиси шундаки, "Пахтакор" футболчилари ўйиннинг охиригача меҳмонлар киритган тўпларга жавоб қайтара олишмади.

Биз юқорида мамлакатимизнинг ардоқли футбол жамоаси ҳамиша биз учун сеvimли бўлиб қолишини беҳудага таъкидламадик. Айнан мана шу мусобақа гарчанд кучли ёмғир остида ўтган бўлса-да, майдонда баҳсни ўн мингдан зиёд мухлислар томоша қилдилар. Бироқ улар "Пахтакор"нинг ўз майдонларида ютқазиб қўйишларини сира ўйламагандилар. Чунки, футболчиларимиз бундай "кўргулик"ка ниҳоятда кам дуч келган эди-да. Ҳа, шу эканда юмалоқ тўпни юмалатишининг ҳам ўзига яраша уқуви бўлади деганлари.

## РУСЛАН ЧАГАЕВНИНГ ФАЛАТАСИ

Болгариянинг Пловдив шаҳрида бокс бўйича анъанавий халқаро мусобақа тугади. Унда 15 мамлакатдан юзга яқин кучли спортчилар иштирок этди. Тақдир тақозоси билан ўзбекистонлик боксчи Руслан Чагаев бу мусобақада уч бор олимпия чемпиони, ўн карра жаҳон чемпиони кубалик Феликс Саван билан яна учрашди.

Бу боксчилар-беллашуви 1997 йилда Будапештда жаҳон чемпионатида бўлган ва унда Руслан Чагаев г о л и б

БОКС

нинг дастлабки 1997 йилда жаҳон чемпионатида бўлган ва Чагаев чиққан эди. Лекин жаҳон чемпиони номи Феликс Саванга берилган, чунки Руслан ўша вақтда профессионал боксчилар мусобақасида кўзга ташланган эди. Шу боисдан бу галги учрашув мухлисларда ҳам, мутахассисларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Бангкокда бўлиб ўтган XIII Осиё ўйинларида ўз маҳоратини намойиш этиб, Осиё чемпиони бўлган Руслан Чагаев машҳур рақиб билан жангда яна қўли баланд келди ва турнир голиби бўлди.

—Биз бу мусобақага террорчиларнинг Тошкентдаги мудҳиш ҳаракатларидан нафратланиб, одамларнинг ҳалок бўлганидан қайғуриб жўнаб кетган эдик, — деди Руслан Чагаев телефон орқали.

— Мусобақага кетаётганимизда Болгарияда галаба қозониб, шу йўл билан Президентимизни қўллаб-қувватлашимизни изҳор этамиз, деб қатъий ваъда қилган эдик. Сўзимизнинг устидан чиққанимиздан бахтиёрмиз.

Бу мусобақада мамлакатимиздан яна икки боксчи иштирок этди. Муҳаммадқодир Абдуллаев турнирнинг кумуш совриндори бўлди, Сергей Михайлов эса бронза медални қўлга киритди.

/ЎзА/

## "БЎЛМАЙДИ"

- \* Бордан йўқ бўлмайди.  
Очининг тўқи бўлмайди.
- \* Битталаб йиғсанг тоғ бўлмайди,  
Жиннихонада соғ бўлмайди.
- \* Майканинги енг бўлмайди,  
Подшоҳнинг тенги бўлмайди.
- \* Минг қўйнинг эчкиси бўлмайди,  
Чалқаш ишнинг "точка"си бўлмайди.
- \* Уч уртоқда сир бўлмайди,  
Устанинги усти "кир" бўлмайди.
- \* Қогоз ёнса кул бўлмайди,  
Талабада кун бўлмайди.
- \* Профессор ишсиз бўлмайди,  
Амалдор "тиш" сиз бўлмайди.
- \* Тулкининг аҳмоғи бўлмайди,  
Қизикчининг қогози бўлмайди.
- \* Йиғитда дугона бўлмайди,  
Ётоқхонада бегона бўлмайди.
- \* Сумалакда туз бўлмайди,  
Юристка чўз-чўз бўлмайди.

Зиёда АШУРОВА тайёрлади

Х  
а  
ж  
в  
и  
й  
«  
м  
а  
к  
о  
л  
»  
л  
а  
р

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ  
«КАМОПОТ» ЖАМГАРМАСИ

Бош муҳаррир  
Абдуқодир НИЁЗОВ  
Навбатчи муҳаррир  
Жамолiddин ТҲУТАШЕВ

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир — 133-89-61  
Қабулхона — 136-56-58  
Хатлар бўлими — 133-79-69



МАНИЛИМИЗ:

700083 Тошкент Мавбуғочлар кўчаси, 32-й  
Тахририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.  
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаназаридан фарқлангани мумкин.